



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 3 август, жума № 119 (1133)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Хаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон отабоболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлайлик.

Ислом КАРИМОВ

ХУР ЎЗБЕКИСТОН — ЮЗ ЁШЛИЛАР МАМЛАКАТИ

МДХНИНГ СОЧИ САММИТИ

2 август куни Россиянинг Сочи шаҳрида МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммит Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам қатнашди.

«Чойзордаги бинолар» мажмуида президентларнинг ялпи учрашуви бўлди. Унда МДХ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш, стратегик барқарорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар минтақавий масалалар юзасидан ҳам батафсил фикр алмашди. Саммит норасмий бўлгани боис унинг якунида бирор ҳужжат имзолангани йўқ. Шундай эса-да, журналистлар билан бўлган учрашув чоғида, иштирокчилар мулоқот самарали ва фойдали бўлганини таъкидлади.

Саммит доирасида президентларнинг икки томонлама учрашувларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Ўзбекистон раҳбари 1 август куни Россия президенти Владимир Путин билан музокара ўтказган эди. Саммитнинг иккинчи куни Украина президенти Леонид Кучма билан учрашди. Мулоқотлар чоғида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

(ЎЗА).

100 ёшни қаршилаётган Мирзаобод туманилик Абдураим Назаров фарзандлари билан 45 турдаги мева етиштирилайётган ажойиб боғ яратди

Бир қафт ўз ерига эга бўлиши қайси ўзбек орзу қилмаган, дейсиз. Узоқ йиллар мобайнида қанча-қанча умри азизлар бунга эришолмади. Замон, одамлар ўзгарди. Президентимиз Фармони шарофати ила оиламизга ҳам яхшигина томорқа ажратилди. Ун нафар фарзандимни ёнимга олиб, ажойиб боғ яратишга киришдим. Республиканинг турли бурчакларидан энг яхши ниҳолларни келтириб ўтказдим. Вақт ўтиши билан 45 хилдан ортиқ турдаги дарахтзор боғ барпо бўлди. Сархил неъматларимиз эл дастурхонини безамоқда. Боғдан тушган даромад ҳисобидан 50 дан ортиқ қорамол асрадик. Кўй-эчкилар сони 100 дан



ошди. Фарзандларим тақлифи билан асалари уларни келтирдик. Эндиликда улар сони 45 дан ошди. Энди ҳаётимизга ҳамма ҳавас қилаяпти. Ис-

тиқлол, меҳрибон Президентим, меҳнаткаш инсонни улуғловчи қорорлар қаддимизни тиклади, бой-бадавлат яшаш имконини берди.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йўғилишида гапирилган

Мустақиллик йилларида кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш борасида изчил давлат сиёсати олиб борилиб, яхши натижалар қўлга киритилди. Мисол учун, 1991 йилда ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидagi улushi атиги 1,5 фоиз бўлган бўлса, 2001 йил бошига келиб бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этди.

таъминлангани эса туманда ишсизликни камайтириш имконини берди.

Вазирлар Маҳкамаси йўғилишидаги Юртбошимиз нутқида мамлакатимиз аҳолисининг 60

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ КРЕДИТЛАШ Сурхондарёда қўшимча иш ўринлари яратишда муҳим рол ўйнамоқда

Бу ва бошқа ижобий силжишлар тўғрисида Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йўғилишидаги нутқида алоҳида таъкидланди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 190 мингта ўрта ва кичик корхона фаолият кўрсатаётди. Бу — йил бошидаги нисбатан 16 мингтага кўп демакдир. Шу давр ичида тижорат банклари ва бошқа молия тизимлари томонидан ушбу корхоналарга 72 миллиард сўм кредит берилди. Натижада 178 мингта янги иш ўринлари яратилди.

фоизга яқини қишлоқ жойларда истиқомат қилиши яна бир бор эътиборга олинган. Шу боис бугунги кунда қишлоқ жойларда одамларни иш билан банд қилиш, даромад маблағлари билан таъминлаш, айниқса кескин муаммо бўлиб турганлиги, уни ҳал қилиш учун қишлоқ ҳўжалик ҳомашёси ва мева, сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш зарур эканлиги ҳам таъкидланган.

Айтиш мумкинки, бошқармада бу борада ҳам муайян ишлар олиб борилаётган. Бунга мисол тариқасида Олтинсўй туманида фаолият юритаётган «Мусаллас» ишлаб чиқариш жамоа корхонасини олиб кўрайлик. У 1998 йил охирида ташкил толган. Шу ўтган қисқа муддат ичида корхонанинг айланма маблағи 100 миллион сўмдан ошиб кетди. Бир йиллик жами даромади эса 168 миллион сўмга яқин бўлди. Корхонада маъмурий иш вақтида ишчилар сони 300 нафардан ошиб кетди. Шунча одам иш билан таъминланиши билан бир қаторда, яхшигина даромад қилаётди. Корхона шу йилнинг ўзида Олтинсўй тумани Қорлуқ бўлими маблағи ҳисобидан 10 миллион сўм, «Бандлик» жамғармасидан 4 миллион сўм кредит олди. У бу маблағ ҳисобига узу мевасини қайта ишлайдиган замонавий асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлари сотиб олди. Оқибатда ишлаб чиқариш ҳажми янада ошди.

Шу маънода Акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг виллоят бошқармасида қўлланган ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бошқарма халқ ҳўжалигига бозор инфратузилмасини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаш қувватлаш сиёсатини ҳаётга изчил татбиқ этмоқда. Хусусан, банкнинг ўз ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кредитлар ажратишда сезиларли силжишларга эришилди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 майдаги «Кичик ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари иштирокини рағбатлантириш юзасидан қўшимча чораларни кўриш» ҳақидаги Қарорига мувофиқ ишламоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Хурсанд Бозоров. — Соҳага ёрдам кўрсатиш учун биринчи навбатда тадбиркорларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кредитлаш механизмининг йўлга қўйишнинг асосий вазифи қилиб олдик.

Масалан, жорий йилнинг 1 июл ҳолатига берилган кредит қолдиги 841,4 миллион сўмини ташкил этди. Шундан 670,9 миллион сўмини банк ўз маблағи ҳисобидан ажратди. «Бизнес фонд» ва «Бандлик жамғарма»си-

Бошқарма фаолиятидан бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Шу билан бирга банк маъмурияти ва мутахассислари Вазирлар Маҳкамаси йўғилишидаги таъкидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, бу борада ишни янада ривожлантириш учун ҳаракат қилаётди.

Фулом ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ - ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Шу азиз Ватан - барча мизники!» фестивали қизгин давом этмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎЗА Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Бадиий академия билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирга мезбон бўлиш навбати Хоразм вилоятига етди.

ган хайрли ишларни акс эттиришга кенг ўрин берилган. Бу ерда сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган Репродуктив саломатлик, шопилинч тез тиббий ёр-

Бадиий академиянинг марказий кўрғазмалар залида ташкил этилган тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси У.Исмоилов, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Утамов, Олий Мажлис аграр, сув масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У.Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон сўнгги 10 йил вилоят учун туб ўзгаришлар даври бўлганини ҳамда воҳада барча жабҳаларда ислохотлар жарадал давом этаётганини таъкидладилар.



Хоразм лазгисию ларларининг сөхрили оҳанги оғушида кўрғазмалар залига кирар экансиз, кўҳна Ичанқалъа ва Дишанқалъани барпо этган моҳир усталардан мерос услубда ясалган дарвозага кўзингиз тушади. Қадимий аъналаримизнинг боқийлиги, бекиёс қадриятларимиз қайта кўз оҳангига яна бир бор гувоҳ бўласиз. Кўрғазмадаги бошқа экспонатлар ҳам ўзига хос маданият ва санъатга эга қадимий воҳада истиқлол йилларида кечайтган улкан ўзгаришлар ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотади.

Истиқлол йилларида Хоразмда саноят ривожланиш палласига кирди. Воҳада кўшма корхоналар тобора кўпаймоқда. «Даритал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси шулардан биридир. Унда маҳаллий ҳомашёдан замонавий урф ва услубдаги бежиринг поайазлар ишлаб чиқарилмоқда. Хива нафақат қадим шаҳар сифатида, балки ўз гиламлари билан ҳам етти иқлимга донг таратган. «Хива гилами» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг бетакрор маҳсулотлари бугун кўрғазмага ўзгача

қўрк бағишлаб турибди. Бир вақтлар хоризжда ишлаб чиқарилган тўқис маҳсулотларни кўриб, ҳавасимиз келар эди. «Феруз-Хоразм» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланган тўқис-кечаклар энди хоризжда ҳам машҳур бўлиб кетган.

Кўрғазмага ташир буюрғанлар «Хоразм ипаги» ҳиссадорлик жамиятининг ҳарир матолари, «Богот» ширкат ҳўжалигида ишлаб чиқарилган шифобах шарбатлар, турфа хил консерваларни кўриб кўзи қувонади. Улар вилоят қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарали кечайтганидан далолатдир.

Қадим Хоразм заминиде бугун ҳунармандлик гуркираб ривожланмоқда. Гурлан туманидаги «Мадатжон» ҳусусий фирма-си ҳомийлигида фаолият кўрсатаётган «Уста-шоғирд» мактаби истибдод йилларида унутила бошлаган ўзбек миллий ҳунармандлик аъналарининг қайта тикланишига ва халқ усталарининг янги авлоди шаклланишига хизмат қилмоқда. Қашта-чиликнинг Хоразмга хос услубларини давом этириб, унга янгица руҳ ва сайқал бериб келайтган чевар Р.Эшчонов таикан кўрок буюмлар, ёстиқлар, бешик жилдлари ўзига хос фусунга эга.

Тошоша залларида оналар ва болалар йиллада вилоятда аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш борасида изчиллик билан амалга оширилаёт-

Элбек ХОЛИҚОВ, ЎЗА муҳбири.

Ёзёвонда яқинда қуриб ишга туширилган «Мустақилликнинг ўн йиллиги» номидаги янги сув иншооти туман ҳўжалиқларининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш борабариде умуман вилоятда бу борада мавжуд бир қатор муаммоларни ҳам ҳал этди.

ЁЗЁВОНДА ЯНГИ КАНАЛ

Энг муҳими, Қирғизистон Республикасидаги йирик сув омборлари ирригация таъминотида энергетика таъминотига ўтгач, вилоятда сугориладиган майдонларини сув билан таъминлашда пайдо бўлган муаммолар бартараф қилинди.

Тошлоқ туманидаги Бойқовул қишлоғидан бошланган бош ярим километрли янги канал Ёзёвонсўйдан сув олиб, Катта Фарғона каналига ташлаб беради. Натижада, Катта Фарғона каналидан сув ичадиган барча экин майдонларини бир маромада сув билан таъминлаш имкони туғилди. Янги ирригация тармоғи фақат вилоят экин майдонларини сув билан таъминлаб қолмасдан, Сирдарё, Қорадарё, Исфайрам, Шохимардонсой, Сўх дарёси сувларини тежашга ҳам хизмат қилади.

Янги канал нафақат вилоят экин майдонларининг сувга бўлган талабини қондиради, балки қўшни Тожикистон Республикасига ҳам бир маромада сув етказиб берилишини таъминлайди, — дейди Марказий Фарғона ёрларини сугориш ва ўзлаштириш бўйича вилоят ҳўжалиқлараро кенгаш раҳбари Ҳошимжон Қурбонов. — Бу, пировард натижада, мамлакатимизнинг Мирзачўл худудидеги сув таъминотини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Р.КАМОЛОВ, ЎЗА муҳбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар

НОГИРОН МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

«Ишонч» тахририяти орқали олинган мактуб муаллифи Эркин Раҳимов ўғли Самандарнинг хасталиги бўйича ногиронликка чиқиб масаласини ижобий ҳал қилишда ёрдам сўраб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ҳокимлик туман марказий шифохонаси мутахассислари томонидан беморни ҳар томонлама тиббий текширувдан ўтказилишига ёрдам берди. Шунингдек, С.Раҳимов вилоят

тиббий меҳнат экспертиза комиссияси кўригидан ҳам қайта ўтказилиб, вилоят ТМЭКнинг 24-сонли баённомаси ҳамда 1563-сонли далолатномасига асосан унга бир йил муддатли II гуруҳ ногиронлиги гувоҳномаси берилди.

И.ХИДИРОВ, Яқкаб тумани ҳокими. ИШГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

— Хатирчи туманидаги Амир Темир номи жамоа ҳўжалигида яшовчи Акбар Мирза томонидан ёзилган ва тахририят орқали жўнатилган хатни олдик. Унда «Навийдон» маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳис-

садорлик уюшмасига қарашли Хатирчи туман ғалла қабул қилиш пунктида қоровул бўлиб ишловчи С.Товмуродов штати маъмурият томонидан ноқонуний қисқартирилганлиги маълум қилинган эди. Текшириш жараёнида газетхон хатига баён этилган далиллар ўз тасдиғини топди.

Адолатни ўз жойида қарор топтириш мақсадида ушбу масалага аралашган касаба уюшма тармоқ қўмитаси С.Товмуродовни ўз ишига қайта тиклади ва бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириб берди.

Т.ЙУЛДОШЕВ, Навоий вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

Наманган туманида йилига беш минг тонна чигитни қимбвий туқсизлантирадиган корхона қурилиши бошланди. — «Миршкор МЧЖ» деб номланган ушбу Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси шу йилнинг охирида фойдаланишга топширилади. — деди Франция «SFDT» компаниясининг қурилиш муҳандиси Эрве Булад «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Наманган туманидаги Қозоққон Солиев номи корпорация ва Франциянинг «SFDT» компанияси муассис бўлган қўшма корхонанинг Устав жамғармаси 670 минг, лойиҳа қиймати эса 3 миллион 500 минг АҚШ долларига тенг. Шундан 2 миллион 700 минг доллари «Жаҳон банкининг» кредит-лини-яси ҳисобидан қопланади.

Эрве Буладнинг айтишича, қўшма корхона 1 миллион 324 минг АҚШ доллар қийматидаги замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Корхона ишга тушгач, у ерда 80 нафар ишчи меҳнат қилади.

Мутахассисларнинг фикрича, чигит замонавий технология асосида туқсизлантириб эқисла, ҳосилдорлик икки ҳисса, ҳатто ундан кўпроқ ошиши мумкин. Ишлов бериш ва ҳаражатлар камаяди. Яна бир муҳим жиҳати — чигит бир текис ундириб олинади.

Корхона келажакда Фарғона водийсини уруғлик чигит билан тўла таъминлайди. Шунингдек, қўшма корхонада уруғлик бугдой тайёрлашни ҳам йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

ДЕХҚОН МАКТАБГА МАДАД БЕРАДИ

Туман ҳокими Т.Қодировнинг сайё-ҳаракати, ширкат ҳўжалиқларининг ташаббуси билан Сариевнинг мактабларга уч-тўрт тоннадан бугдой берилди.

— Сурхондарё деҳқонларнинг бу йил ғалладан фавақулдада мўл ҳосил етиштирилганлиги бундан алоҳида довуқий бўлди, — деди туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ражабали Эрмиёев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Ҳосилдан оморборлар тўлгандан кейин одам анча сахий ва очикқўл ҳам бўларкан. Туманимизда 68 та мактаб бор. Ҳар бир мактабнинг ўзига яраша кам-кўсти, ҳаражат талаб жиҳатлари бўлади. Ана шуларни назарда тутган ҳолда ширкат ҳўжалиқлари ўз худудидеги мактабларга уч-тўрт тоннадан бепул бугдой бера бошлади. Шу кунга қадар 140 тоннадан ошқ ғалла мактабларга тарқатилди. Ўз навбатида мазкур мактабларнинг ўқитувчилари, техник ходимлари бу ғаллани арзон нарҳларда сотиб оlishади. Тушган пул эса мактабнинг зарур эҳтиёжлари учун ишлатилади.

ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
10
ЙИЛЛИГИГА

ХУР ЎЗБЕКИСТОН — ЮЗ ЁШЛАР МАМАЛАКАТИ



МОМОЛАР ДУОГА ҚЎЛЛОЧИШДИ

Шахрисабз туманида истиқомат қилаётган 62 нафар 100 ёшдан ошган табаррук инсонларга иззату иқром кўрсатилмоқда

Хисор тоғларининг оқсоч қоялари қуёш нурида жилваланади. Довонлар оша эсаётган эпкинлар танга ҳузур бағишлайди. Буюк жаҳонгир Амир Темур дунёга келган бу муқаддас заминнинг одамлари ҳам бебаҳо. Улар танти, жасур, меҳнатсевар. Туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Хосият Муҳаммадиевнинг таъкидлашича, улуглар назари тушган Кеш диёрида 62 нафар 100 ёшдан ошган табаррук инсонлар умргузаронлик қилишяпти.

Шаҳар марказидаги Кулоллик маҳалласида Шочучук момо Жўраева яшайди. У ўзининг 102 ёшини қаршилади. Файзли хонадонидан одам аримади. Ўтмишнинг қора кунлари ҳақидаги ҳикоялари, истиқлол туйғайли ҳаётимизда рўй берётган ўзгаришлар, осуда ўтаётган ҳар бир кунга шукроналик ёшларга ҳаёт мактабидир. Момо умрдоши Зубайдулло бобо билан узоқ йиллар ҳаёт кечирди. Бироқ таъкидлашича, шўро даврида орзусига эришолмади. Уч-тўрт оила бир ҳовлида қимтиниб яшашди. Етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида



— Ёшим юздан ошган бўлса-да, ўзимни ҳамиша сафда деб биламан, — дейди Муқаррамма ая Юсупова.

кишлоқлар қашшоқлигига қолди. Мана энди Шочучук Жўраевага етадиган одам йўқ. 54 невага, 100 дан ортиқ чевараси атрофида парвона. Фарзандларининг камолидан қувонади. Ўртанча қизи Саломат ая

64 ёшда. Узоқ йиллар бадий буюмлар фабрикасида тўқувчи, цех бошлиғи, касабаси уюшма кўмитаси раиси бўлиб ишлади. Мустақиллик йилларидаги нафақат топди. Саломат ая Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, деган унвонга сазовор бўлди. Маҳалла кўмитаси раиси сифатида хайрли ишларга бошқош.

— Истиқлол оддий деҳқон оиласига нима берганлигини оиламиз мисолида кўришимиз мумкин, — таъкидлайди фахр билан Шочучук момо. — Жигарбандларим Ўқтамжон, Рустамжон ҳуқуқшунос, Дилором савдо ходими, Озодахон эса устоз педагог, «Соғлом авлод учун» кўрик-танлови қолиби, Обиджон ҳамда Набижон тажрибали ҳайдовчи, Дилфуза ва Наргизалар эса ҳамширалардир. Қаранг, сулола аъзоларидан 35 нафари миллий хунармандчилик билан шугулланаяпти. Тадбиркорликка кенг йўл очган Президентимиздан ўргилай, момолар касбини қайта тиклаган набираларим Шахло, Гуландом, Саодат, Нигоралар тиккан кашталар катта кўрикларда совринли ўринларни эгаллади.

Шахрисабзда кексалар эъзозда. 178 нафар ёлғиз қария мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга 1 миллиард 48 миллион 835 минг сўм маблағ сарфланди. Табаррук кишиларга беминнат ёрдам кўрсатиш учун 20 нафар ижтимоий хизмат ходими ажратилган. Давлатимизнинг бу меҳрибончилигидан 100 ёшдан ошган Кумри Ҳамидова, Бўстон Турполова, Қурбоний Раҳимова, Зубайда Норова, Навот Юсупова, Абдуназир Бердиев ва бошқалар бағоят миннатдор.

Иззат ҲИҚМАТ, «Ишонч» муҳбири.

БУ КУНЛАРГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШИЛМАДИ

дейди бекободлик 104 ёшли Ҳанифа момо Мадраҳимова

Бахтни ҳамма ҳар хил тушунади. Мен учун омад, бахт, аввало тинчлик-хотиржамлик, меҳнатнинг қадр топиши, фарзандлар камолидир. Нимасини айтмай, бу бош не кунларни кўрмади. Ерга меҳр қўйганлигимиз боис, оила аъзоларим билан Бекобод туманидаги Далварзин чўлларида кўчиб келдик. Умрдошим Охунжон Мамаражабов, фарзандларим Хосиятхон, Шокиржон, Санобархон, Комилжонлар билан эрта тонгдан то кун ботгунга қадар далада ишладик. Аммо қадр топмадик. Яхшигина теғирмонимиз бўларди. «Бошқа нарсаларни қўйинг, пахта ҳақида ўйланг», дея уни устамонлик билан йўқ қилишди. Энди ўйласам ҳаммамиз «оқ олтин»нинг қулига айланган эканмиз.

Истиқлол бизни ёруғликка олиб чиқди. Асрлар мобайнида қалбимизда тугун бўлиб келган армонларимиз чекинди. Фарзандларим ўз ерининг, ўз мамлакатининг ҳақиқий хўжайини сифатида яшаб меҳнат қилишяпти. Комилжон ўғлим 30 гектарда деҳқончилик қилиб дон, пахта етиштиряпти. Неварам Нейматжон эса тадбиркор. У енгил автомобилларни созлаш устaxonаси очди. Кўпга нафи тегиб, ўзининг ҳам насибаси бут бўлаяпти. Уч асрни кўрган инсон сифатида ёшларга айтадиган гапим шу: бу доруломон кунларга осонликча эришилмади. Ўз юртимнинг садоқатли фарзандиман, десангиз истиқлолни кўз қорачигидек асранг. Бошимиз ура соябон бўлаётган улугларимиз қадрига етинг.

ОРОЛБЎЙИ АЁЛЛАРИГА ДАВЛАТ СОЯБОН

Қорақалпоғистон Республикасида 133 нафар 100 ёшдан ошган онахонлар умргузаронлик қилишяпти. Уларнинг энг ёши улуги эллиққабалик Ўғилжон момо Рўзиевдир. Онахон қайида ўзининг 119 ёшини нишонлади.

— Оролбўйи худудида яшайётган биз — аёллар давлатимиз, меҳрибон Президентимиздан гоё миннатдоримиз, — дейди у. — Боиси, воҳодаги экологик мушкул вазият туйғайли юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида беқийс меҳрибончилик кўрсатилапти. Ҳозирча бир гуруҳ хотин-қизларимиз Тошкент, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида энг яхши оромгоҳларда, шифо масканларида дам олиб, даволаниб, саломатликларини мустаҳкамлаб қайтилар. Фарзандларимиз сўлим гўшаларда ёз гаштини суришди ва суришмоқда.

Мендан кўпинча нимани ва кимларни ёқтирасиз, деб сўрашади. Шунда: ўз уйимни, ўз қишлоғимни, меҳнатсевар, метин-иродали одамларимизни, деб жавоб берарман. Ва таъкидлайманки, бу ёруғ жаҳонда энг ёмон кўрганмиш ношукр кимсалар, ўзимиздан чиққан номардлардир. Ҳусумат яхшилигини билмаган, ярамас оқимлар таъсирга берилган, она Ватанининг қорига ярамаётганлар энг бахтсиз кишилардир. Инсон ҳаётга бир марта келади. Узини билган, ймону эътиқоли мустаҳкам инсон имкони борича миллиятини, юртини улуглайди. Қорақалпоғистонда бундай азаматлар жуда кўп. Эеро, сув таъқислигига қарамай экологик мушкул вазиятда ноз-неъмат етиштиришининг ўзи бир қаҳармонлик. Буни фарзандларим ишлаётган «Қирқиз» фермер хўжалиғи мисолида ҳам кўриш мумкин.

ХИЗР ЯРЛАҚАГАН ЮРТ

Зоминлик 100 ёшли Ҳаким ота Утанов шукронаси

Зомин туманининг тоғ ён бағрилари бами-соли бири жаннат. Тошдан тошга урилиб, жўшиб оқаётган шифобахш зилол сувлари, хушхавоси, шарбатга тўлган мевалари кишини беихтиёр ҳайратга солади. Афсуски, шўро даврида ўз еримизнинг хўжайини бўла олмадик. Меҳнатни биз қилиб, хузурини бошқалар кўришди. Яхши эслаймиз, «бутуниттифоқ фонди» деган гап бор эди. Шунча баҳона қилиб нимаики яхши нарса бўлса, қўш қўлаб марказга ҳўнатардик. Яшириб нима қилдик, ўша кезларда фарзандларимиз етарли миқдорда гўшт, мева-чева истеъмол қилишмади. Болалар ўртасида касаллик кўп эди.

Ўн йилдирки, ҳақиқий инсонлардек яшапмиз. Бойликларимиз ўзимизга буюрди. Ҳалол меҳнат, иқтидор ила ёшларимиз ўзларини кўрсатишяпти. Тиғирқиз қишлоғимиздан ажойиб полвонлар етишиб чиқди. Энг яхши агрономлар, шифокорлар ҳам бизда топилади. Қайси хонадонга кирманг сизгири, қўй-қўзиси бор. Деҳқон хўжаликлари сархил мева етиштириб истеъмол бозорини тўлдиришмоқда. Ҳаётимиз ҳам шунга яраша. Одамлар тўйлар қилишяпти, уйлар қуришяпти. Кўз тегмасин, келажатимиз янада порлоқ.

НУРОНИЙЛАР — БАХТИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

Тоғлар бир-бирига сўяниб юксалади, чўққилар бири иккинчисига елка тутиб салобат бахш этади. Нуронийларнинг пурҳикмат сўзларини тинглаб, ёшлар ҳаётга кириб келади. Шунинг учун ҳам қариси бор уйнинг париси бор, дейишади, дуоғўй оталари бор ўғлонларга «қоядек мустаҳкам» деб ҳавас билан қарашади. Нуронийлар дуосидан нафақат ўз хонадонини, балки дунё покляниб, тозаланиб бораверади. Шунинг учун ҳам инсон зоти борки, кексалар хизматини қилиб, дуосини олишга шошади. Бу билан уллар икки дунё саодатига эришадилар.



Фарғоналик табаррук инсон — 102 ёшли Холмат бобо Ражабов қадрдонлари даврасида

Фарғоналик Холмат бобо Ражабов ҳам ана шундай ҳамшаҳарларимизнинг ардоғида бўлган нуронийлардан. Отахон 2 ўғил ва 5 қизи, 23 невага 50 дан ортиқ эварачеваралари ардоғида айни кунда кексалик гаштини сурмоқда. — Салкам 102 ёшнинг устида турибман, — дейди отахон, — бу дунёда яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўрдим. Уч асрга гувоҳ бўлиб шундан ўн йил инсондек яшадим. Хурмат, эъзоз кўрдим. Бир бурда нонга, бир оғиз ширин сўзга зор бўлган кунларимни эсласам, бугдой унинг нонига бир бор тўйса эдим, деб дунёдан армон билан кетган дўстларимни хотирласам, бу кунларнинг ҳар сонияси жаннат онларидир дейман. Шунча яшаб ҳаётдан олган сабогим шукри, Озодлик ва меҳр инсонни яшартирар экан. Мустақиллик туйғайли яшардим, меҳр-оқибат кўрдим. Холмат бобо дуога қўл очади: «Дўстлик» кўчаси ақли қатори фаришталар ҳам «омин» дея унинг ниётига қўшилишади. Эзгу ниётдан эса эл-юрт яшаб-яшариб бораверади.

Ш. РАУПОВА, Ҳакимжон СОЛИХОВ олган сурат.

Бухоролик 103 ёшли Шари момо Халилова:

МЕНИ «БОЙ БИБИ» ДЕЙИШАДИ

— **Нуронийлар нафақат ўз хонадонининг, балки элининг, юртининг кўрки, йимон қалъаси. Уларнинг дуолари билан эл кўкаради, юрт яшнайди, ҳаётий тажрибалари ёшларга сабоқ, — дейди Шифирқон туманидаги Султон Жўра фуқаролар йиғини раиси Пўлат Жумаев. — Худудимизда уч асрнинг гувоҳи бўлган кекса онахон ва отахонлар анчагина. Улар бизнинг сўянган тоғларимиз. Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса фаолиятимиз мезони.**

103 баҳорни қаршилаган Шари биби Халилова ана шундай табаррук онахонлардан. 21 невага, 56 чевара, 3 эвара теграсида қариллик гаштини сураётган онахон Озодликни алқаб, тинч-осойишта кунларга йимон келтириб, дуога қўл очади: — Она Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлсин! Илоё давлатимиз бой, йўлбошчимиз омон

менга куч берди, инсонлигимни танитди. Тиримсиз меҳнат қилсам ҳам қўлим пул кўрмаган эди. Ҳозир ойма-ой почтачи болам даста-даста пул келтириб беради. Шу боис невага-чевараларим ҳазиллашиб мени «Бой биби» дейишади. Онахон тарихнинг жонли тисоли. Сўзларидан ўтмишнинг ўқилмаган қирралари бўй кўрсатади: — Қандай замонларни кўрмадик-а, — давом эттиради онахон афсуснадомат билан, — Инсон сифатида на қадримиз, на ўрнимиз бор эди. Олимхон халққа жабр қилгани учун элидан, тахтидан жудо бўлди. Кейин оқлодшо замони бошланди. Халқни таловчи кўпайди. Халқ умид кўзини Шўрога тикди. Шўро эса бизни қулдек иш-

латди. Йил ўн икки ой даладан келмасдик. Умридан меҳнат билан ўтса-да, биримиз икки бўлмадик. Паранжи ташлаш йиллари ҳеч эсимиз чикмадик. Шўро хотин-қизларни кўчага судраб чиқди, авваллари, уйининг, оиласининг бекаси бўлган аёл даланнинг қулига айланди. Игна ушлаган нозик қўлларни кетмон зарбидан қабарди. Аслида бизнинг бор бойлигимиз кержа этигу, зилдаи ҳамён эди. Мана энди истиқлол туйғайли қўлимиз ҳар нарсасига етадиган бўлди, фарзандларимиз мулк эгаси, топганлари ўзлариники, уларнинг толиғини кўриб қувонаман. Роса ишлайдиган замонлар келди. Ҳалол меҳнат билан элни ҳам, юртни ҳам, оилангни ҳам фаровон қилинлар», дейман.

— Иккита неварам — Азимжон ва Эркинжоним тадбиркор. Иккитаси ижарачи. Уларнинг камолини кўриб қувонаман. Ер ўзиники бўлса, мулкнинг дахлсиз бўлса, ишлайсан-да, киши. Қани эди ёшлигим қайтса, Озодлик учун меҳнат қилсам. Хали айтганимдек, тадбиркор неварам Азимжон, ноёб моллар келтиради, елиб югуради. «Бунча пулни Азимжон қаердан ола-япти» деб ҳадиксирганимни кўриб Муҳиба келиним кулади. «Давлатнинг ўзи берган, бибижон», дейди. Айтишча, банк халққа хизмат қил, деб Азимжонга жуда катта кредит берган эмиш. Қаранг-а, давлатни ўзи пул бериб, халқини бой қилса...

Бу гапларни эшитиб, Азимжоннинг юрагига қўл солдим. Неварагининг ниётлари катта экан. «Ишларим юришиб кетса, фермер хўжалик тузиб, кишлоққа шифохона қуриб берарман», дейди. Ниятингга ет, деб уни дуо қилдим. Биз ўтмишда бирор кун хотиржам яшамадик. Рўзгорни у ёғидан тортсак, бу ёғи очилади, денг. Уч қизимнинг орзу-ҳавасини қилиб, элга қўшганча, қанча қийналганман. Ҳеч эсимдан чиқмади, кечмиш эди. Бригадир бошлиқ уч-тўрт комиссия ҳовлимизга кириб, «пахта яшириб қўйгансанлар», деб ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Қаранг-а, қандай замонларда яшаган эдик, меҳнатимиз ўзимизга буюрмасди, пахта экиб, чигта зор эдик, дон экиб, қорнимиз тўймади... Бугун эса... фарзандларимиз мулкдор, ер эгаси. Қўша-

қўша иморатлар қурапти, ҳар икки оилада машина... Онахон невага-чевараларининг камолидан сўзлаб чарчамайди. Бир-бирдан оқила доно келинлари эса атрофида парвона. Шари биби келинларининг оқила-ю барнолиғи, чевару зеварлиғи, биллимдонлиғини ҳам мақтаб гапирарди. Наққош қишлоғи ахли бу файзли хонадонга ўзгача ҳурмат, эҳтиром билан қарайди. Уч асрни кўрган табаррук онахоннинг дуосини олишга шошилишади. Тўймавара қилишса, улугимиз, деб маслаҳат солишади. Ҳаётнинг қўпдан қўп синовларини бошидан кечирган Шари биби эса, мустақилликнинг қадри, Озодликнинг баҳолиғи ҳақида сўзлаб, ёшларни Она Ватани севишга, халқига, миллатига содиқ фарзанд бўлиб, ҳалол меҳнат қилишга чорлайди.

Амина КОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири.

Мерос ва қадрият

УРГАНЧ

Бу шахри азим хусусида энг эски тарихий манбаларда ҳам турли маълумотлар учрайди. Хусусан, мўғул истилоси арафасида Хоразмга саёхат қилган машҳур араб тарихчиси ва географи Ёқут ал-Хамавий Урганч тўғрисида: «Бойликларнинг мўллиги ва катталиги, аҳолисининг кўплиги, яхшиликка яқинлиги ҳамда дин ва мазҳаб буюрган нарсаларни бажариши жиҳатидан Хоразмнинг бош шахрига ўхшаш шахар дунёда бўлмаса керак», дейди. Шунингдек, зардуштийликнинг муқаддас китоби саналган «Авесто»да ҳам у ҳақда маълумотлар бор.

кманистоннинг Тошқовуз вилояти ҳудудида жойлашган).

Урганч ўз бошидан не-не қора кунларни, вайронагарчиликларни ўтказмади, дейсиз?! Айниқса, 1221 йилда Чингиз босқини туфайли гўзалликда тенги йўқ шаҳар вайронага айлантирилди. Қадим бой маданият йўқ қилинди. Ватан озодлиги йўлида жон фидо этганлар жасорати эса афсонаю ривоятларга кўчди. Тасавуф таълимотининг машҳур намойнда-ларидан бири Наҳмиддин Кубро ана шундай афсонавий зот эди. Афсоналарда улуг шайхнинг саховату кароматлари, қаҳрамонликлари ўз аксини топган. Ривоятлардан бирида айтилишича, мўғул лашкари Хулағухон сардорлигида Урганчга етиб келганида кеч кириб қолади. Лашкарбоши эр-тас кунни шаҳарни босиб олишни маъқул кўради. Лекин эрталаб мўғуллар уйқудан турганларида Урганч ўз жойида йўқ, фақат қишлоқнинг овозлари, қушларнинг сайраши, кўй-сигирларнинг маърашигина эшитилар эди, холос. Хулағухон бу сирнинг тағига етолмай турганида маълум бўладики, шаҳарни шайх Наҳмиддин Кубро мўғуллар кўзидан яширган экан. Мўғуллар лашкарбошиси шайхга кўп бойлик ваъда қилиб Урганч тарк этишни сўрайди. Лекин Кубро мўғуллар марҳаматидан кўра мардонвор ўлимни афзал кўради. Айтишларича, мўғуллар ўз байроқларини шайх ўлимидан сўнг ҳам унинг кўларидан ажратиб ололмаган эканлар.

...Бугун, не бахтким, дунё халқларининг ҳайратгоҳига айланган Самарқанд Бухоро, Хиваю Кеш каби шаҳарларимиз қаторида Урганч ҳам истиқлол нурулари-ла нурафшон. У мустақиллик шарофати ила кундан-кунга ўзгача салобат, чирой касб этиб бормоқда. Шаҳардаги хайри ўғаришларни кўриб, кўнгиладан «Умринг узок бўлсин, Урганчим!», деган эзгу ният ўтади.

Марҳамат МАТВАФОЕВА, ЎзРФА илмий ходими.

Таъкидлаш керакки, Урганч номи турли тарихий манбаларда турлича шаклларда учрайди. Туркий битикларда Гурганж ёки Гурганч деб аталса, арабий маълумотномаларда Журхония кўринишида қайд этилади. Халқ орасида эса ушбу номнинг келиб чиқиши ҳақида турли афсоналар юради. Масалан, шундай афсоналарнинг бирида Хуржамол исмли қиз ва Ганж исмли йигитнинг армонли муҳаббатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Эмишки, қадим замонларда, Хоразм томонларда катта шаҳар-қалъа бўлган экан. Кунлардан бир кун довул кўтарилиб шаҳарни қум босибди. Халқ оғир аҳволда қолибди. Дард устига чипқон деганларидек, қарангки, шаҳарга дахшати аждарҳо ҳужум қилиб, ҳар кун битта қизни беришни талаб қилибди. Шаҳар аҳолиси ноилоҳликдан бу шартга кўнибди. Бора-бора навбат шохнинг сулуви қизларига ҳам етибди. Катта қайғу-изтироб-

да қолган шох вазирлари билан маслаҳатлашиб, энг кенжа қизи — Хуржамолни аждарҳога тортиқ қилишга мажбур бўлибди. Қизнинг оёқ-қўлини боғлаб, шаҳар ташқарисига ташлаб кетишибди. Хуржамол тақдирга тан бериб турган бир пайтда унинг ёнига совут-қилич таққан Ганж исмли кўркам бир йигит афсоналарнинг бирида Хуржамол исмли қиз ва Ганж исмли йигитнинг армонли муҳаббатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Эмишки, қадим замонларда, Хоразм томонларда катта шаҳар-қалъа бўлган экан. Кунлардан бир кун довул кўтарилиб шаҳарни қум босибди. Халқ оғир аҳволда қолибди. Дард устига чипқон деганларидек, қарангки, шаҳарга дахшати аждарҳо ҳужум қилиб, ҳар кун битта қизни беришни талаб қилибди. Шаҳар аҳолиси ноилоҳликдан бу шартга кўнибди. Бора-бора навбат шохнинг сулуви қизларига ҳам етибди. Катта қайғу-изтироб-

да қолган шох вазирлари билан маслаҳатлашиб, энг кенжа қизи — Хуржамолни аждарҳога тортиқ қилишга мажбур бўлибди. Қизнинг оёқ-қўлини боғлаб, шаҳар ташқарисига ташлаб кетишибди. Хуржамол тақдирга тан бериб турган бир пайтда унинг ёнига совут-қилич таққан Ганж исмли кўркам бир йигит афсоналарнинг бирида Хуржамол исмли қиз ва Ганж исмли йигитнинг армонли муҳаббатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Эмишки, қадим замонларда, Хоразм томонларда катта шаҳар-қалъа бўлган экан. Кунлардан бир кун довул кўтарилиб шаҳарни қум босибди. Халқ оғир аҳволда қолибди. Дард устига чипқон деганларидек, қарангки, шаҳарга дахшати аждарҳо ҳужум қилиб, ҳар кун битта қизни беришни талаб қилибди. Шаҳар аҳолиси ноилоҳликдан бу шартга кўнибди. Бора-бора навбат шохнинг сулуви қизларига ҳам етибди. Катта қайғу-изтироб-

Хозир ҳам урганчликлар шаҳар номи шу икки ёш шарафига Хурганч деб номланган деб ишонишади. Айтганча, хур сўзи қуёш ёки бахт, ганж эса ҳазина, бойлик маъносини англатади.

Х а с р н и н г и к к и н ч и я р м и д а У р г а н ч н и п о й т а х т қ и л г а н Ш и м о л и й Х о р а з м м у с т а қ и л д а в л а т с и ф а т и д а а ж р а л и б ч и қ а д и. Л е к и н кўп ўтмай Ш и м о л и й Х о р а з м ҳ у к м д о р и М а ʼ м у н и б н М у х а м м а д м а р қ а з и К а т ш а х р и б ў л г а н Ж а н у б и й Х о р а з м н и ў з д а в л а т и ҳ у д у д и г а қ ў ш и б о л а д и. Ш у н д а н с ў н г У р г а н ч к у д р а т л и Х о р а з м н у ш о х л а р д а в л а т и н и н г я г о н а п о й т а х т - ш а х р и б ў л и б қ о л а д и. X V I I а с р ў р т а л а р и г а к е л и б э с а Х и в а х о н и А б у л ғ о з и й Б а ҳ о д и р х о н (1603-1664) б у й р у г и б и л а н ҳ о з и р г и У р г а н ч ш а х р и б у н ё д э т и л а д и. Ш у н д а н с ў н г қ а д и м и й ш а ҳ а р н и н г н о м и К ў х н а У р г а н ч д е б а т а л а б o ш л а н а д и (У ҳ о з и р Т у р -



Китоб жавонингизга

«ЭКОЛОГИЯ ВА ҚОНУН»

Бу ибора эндиликда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Зеро, бу тушунча замирида талайгина муаммолар, турмушга татбиқ этилиши лозим бўлган қатор масалалар ётибди.

«Экология ва қонун» деб номланган, Жума Холмўминов томонидан ёзилган мазкур тўлқамда экологик муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий масалалари атрафлиқа ёритиб берилган.

Ушбу китобни «Адолат» нашриёти кўп нусхада чоп этди.

А.АЛИЕВ.

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ёш мусаввирларнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» мавзусидаги кўرғазма-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЁШ МУСАВВИРЛАР КЎРҒАЗМАСИ

Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларида рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва ҳнармандлик йўналишларида ижод қилаётган юздан ортиқ ёш рассомнинг асарлари намойиш этилди. Уларда ёшлар ҳаёти, қайта тикланган миллий урф-одатларимиз, истиқлол берган улуг неъматлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ўзига хос тарзда талқин этилган.

Ўндан зиёд энг сара асарлар муаллифлари кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(ЎЗА).

Футбол

Кўпинча шундай бўлади: спектакл олдида нафақат ёш, ҳатто тажрибали санъаткорларни ҳам ҳаяжон босади; зиммамга юклатилган ролни мароминда ижро эта олармиканман, деган бир ҳадик тинчлик бермайди. Айниқса, спектакл узок муддатли таътилдан сўнг қўйилаётган бўлса...

КАТТА СИНОВ АРАФАСИДА

Футбол бўйича мамлакат чемпионати иккинчи даврасининг илк ўйинларини кузатар эканмиз, ҳаёлимиздан беихтиёр юқоридаги фикрлар ўтди. Бу бежизга эмас. Чунки ҳамаси Жаҳон чемпионати саралаш матчларига пухтароқ ҳозирлик қўриш мақсадида ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ салкам қирқ кунлик танаффусда мухлислар, айрим миш-мишларни истисно қилганда, қарийб ҳеч қандай ўрашувнинг гувоҳи бўлмадилар. Тўғри, биз аввалги шарҳларимизда қайд этганимиз Малайзияда бўлиб ўтган «Мердека» турнирида ички чемпионатда қатнашаётган футболчилардан ташкил топган терма жамоанинг галабаси, Болгарияда ёшлар командамизнинг муваффақияти ва ниҳоят, яқинда мини-футбол бўйича Эронда ниҳоясига етган қитъа чемпионатида юртдошларимизнинг қумуш медалга сазовор бўлганликлари ушбу танаффуснинг ўзига хос воқеалари, деб айтиш мумкин. Аммо 17 августда Бирлашган Араб Амирликларига қарши Абу Дабиди майдонга тушадиган жамоа қаерда? Бунга жавобан таҳминлар ва яна таҳминларни рўқча қилишимиз мумкин, холос.

Ана шундай пайтда бошланган иккинчи давра ўйинларини кузатган ишқибозлар ўз нигоҳларини етакчи футболчиларнинг хатти-ҳаракатига синчковлик билан қаратганлари табиий. Лекин эътироф этиш жоиз: ярқ этиб кўзга ташланадиган ҳеч нарса кўрмадик. Албатта, футболчилардан дарҳол юксак маҳорат куттиш ўринсиз. Ҳар ҳолда муайн муддатга давом этган танаффус исзис кетмайди.

Атокли лирик хонанданин ушбу сўзларини ёдга олайлик-а: «Бир кун машқ қилмас, — дейди у, — айтганга қўшиги маромига етмаётганини хонанданин ўзига билади, икки кун машқ қилмас, бунга санъаткорнинг ҳамроҳлари севади, уч кун машқ қилмас, бу ҳол унинг шивавандаларига ҳам маълум бўлиб қолади». Биз айнан шундан ҳавотирдамиз. Айниқса, легионер футболчиларимизнинг терма жамоага қўшилиши улар тўп сураётган клуб раҳбарларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб турган бир пайтда бу масала ғоят долзарб-дир.

Шу боиски, Б.Аннама-тов, У.Исоқов, З.Холмуродов, А.Бердиев, А.Хвостунов, Ф.Давлетов, Ш.Мирҳодиршоев каби бир қатор футболчилар ҳар қачонгидан-да йигинчоқлик кўрсатиб майдонда ҳаракат қилишларидан барча мухлислар, ҳоҳ у «Пахтакор», ҳоҳ у «Нефтчи», ҳоҳ у «Насаф» жамоасида тўп сурсин, бирдек манфаатдордирлар. Чунки «Дўстлик» очко йўқотса ёхуд «Навбахор»га омад кулиб боқмаса, бундан фожва ясаш керак эмас. Бирок терма жамоа ҳақида бундай деб бўлмайди. Ҳар бир ўйин мўҳим, ҳар очко зарур, ҳар бир гол ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу маънода ҳар бир тур футбол мутахассисларига мушоҳада учун кенг имкониятлар очиб беради. Мақсад эса табиий: ўйинни янада кучайтириш, индивидуал ҳаракатларни эсдан чиқармаган ҳолда комбинацияларнинг пишқопхталлиги устида ишлаш, бир сўз билан айтганда, ностандарт ҳолатлар юзага келтириш билан рақибни шошириб қўйиш кўникмасини янада маромига етказиш даркор. Энг му-

ҳими, футболчиларга вази-ятга қараб ташаббусни ўз қўлларига олиш иштиёқи сингдирилиши керак. Биз бундай хислатни нафақат Қосимов ёки Шишовда, шунингдек бошқа футболчиларда ҳам кўришга муш-тоқмиз.

Шундай қилиб, иккинчи давранинг иккинчи тури нисбатан осоийшта кечди. «Навбахор» навбатдаги ишончли галаба (7:1)ни қўлга киритди. Бу гал у «Сурхон» жамоасини тас-лим этди. Ушбу турда яна уч ўрашувда йирик ҳисоб қайд қилинди. «Академия» - «Трактор» - 3:0, «Дўстлик» - «Андижон» - 5:1, «Зарафшон» - «Сўғдиёна» - 3:0. Чемпионат пеш-қадами «Нефтчи» Чирчиқ-да маҳаллий «Кимёгар» дарвозасига жавобсиз икки тўп киритиб, ўз мав-кеини янада мустаҳкамлаб олди. Ангренда «Семур» мөҳмони бўлган «Насаф» ҳам муҳим галабага эриш-ди. Ҳисоб — 3:2. «Турон» - «Самарқанд-Д» жамоалари ўртасидаги баҳс битим ту-зиш билан ниҳоясига етди — 1:1.

Турнинг энг кутилмаган ўрашуву Тошкентда «Пах-такор» ва «Қизилқум» ўртасидаги мат-чада юз берди. Жуда қучли таркибга эга «Пахтакор» 1:2 ҳисобида ўйинни бой бергач, назарий жиҳатдан ҳам пешқа-дамга етолмаслиги маъ-лум бўлди. Ҳар ҳолда фут-бол — динамик ўйин. Эри-шилган натижа билан ки-фояланиш, бир жойда тўхтаб қолиш ҳеч бир ко-мандага обрў келтирмай-ди. Изланиш ва яна ҳам кўпроқ изланиш жоиз. Вақт шунчун тақозо этмоқ-да, футболимиз олдида турган улкан вазифалар шунга ун-дамокда!

Ҳа, бугун ўзбек футболи катта синовдан ўтмоқ-да. Ва истаймизки, бу им-тиҳон фақат аъло баҳолар-га топширилсин.

З.РИХСИЕВ.

20-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	18	15	2	1	53-14	47
2. «Насаф»	19	14	2	3	45-24	44
3. «Дўстлик»	17	11	3	3	41-19	36
4. «Навбахор»	19	12	0	7	44-27	36
5. «Пахтакор»	15	11	0	4	33-16	33
6. «Академия»	18	8	6	4	35-19	30
7. «Самарқанд-Д»	19	9	2	8	34-31	29
8. «Қизилқум»	18	8	3	7	22-21	27
9. «Зарафшон»	18	7	4	7	30-23	25
10. «Бухоро»	18	8	1	9	31-35	25
11. «Трактор»	18	7	3	8	27-30	24
12. «Андижон»	18	6	2	10	33-37	20
13. «Сўғдиёна»	19	5	3	11	19-34	18
14. «Металлург»	19	4	6	9	18-37	18
15. «Кимёгар»	19	4	4	11	16-33	16
16. «Турон»	18	4	4	10	13-31	16
17. «Сурхон»	19	5	0	14	21-49	15
18. «Семур»	19	2	3	14	22-57	9

Касаба уюшма спортни

СПАРТАКИАДА ҚУВОНЧЛАРИ

Оналар саломатлиги бу соғлом авлод, келажак демакдир. Яқинда Бухоро вилояти Тиббиёт институти спорт мажмуида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги ва Оналар ва болалар йилига бағишланган спорт тадбири бўлиб ўтди. Унда таят Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимида меҳнат қилаётган аёллар спортнинг аёллар, стритбол, енгил атлетика, шахмат-шашка ва стол тенниси бўйича ўзаро куч синашдилар.

Мусобақаларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Вобкент туман тармоқ касаба уюшма кенгаши вакиллари банд қилган бўлса, иккинчи ўринни вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармаси вакиллари эгалладилар. Учунчи ўрин эса Фавқулодда вазиятлар бошқармаси спортчи аёлларига насиб этди.

Мусобақа голиблари вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитасининг қимматбахо соварин, фахрий ёрлик ва дипломлари билан тақдирланиш билан бир қаторда республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Б.САИДОВ, Бухоро вилоят касаба уюшма кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудир.

ИП ЙИГИРУВЧИЛАР ГОЛИБ

Енгил, меҳнат ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарь вилояти кўмитаси ташаббуси билан Оналар ва болалар йилига бағишлаб Китоб шаҳрида спортнинг мини-футбол тури бўйича вилоят мусобақалари бўлиб ўтди.

Беллашуларда ҳудудий коммунал бирлашмаси, «Сув оқова» корхонаси, иссиқлик манбаи, «Каштөкс», «Кумуш», «Садо» ҳиссадорлик жамиятлари, «Ўзбек-Британия қўша корхонаси», газ таъминоти идораси каби йирик ташкилотларнинг спорт жамоалари қатнашдилар. Қизгин ва муросасиз ўтган баҳсларда биринчи ўрин Китоб ип-йигирув фабрикаси, иккинчи ўрин «Кумуш» ҳиссадорлик жамияти, учунчи ўрин Қашқадарь газ таъминоти идораси спортчиларига насиб этди.

ЁЛКИН.

ISHONCH
МУАССИС:
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
 Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78, 136-58-45;
 Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган
 Босишга топшириш вақти - 21.00
 Топширилди 21.00

Манзилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нидир курсаткичи; 133; 134
 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида теришти ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.